



RELATIONS BETWEEN CENTRAL ASIAN COUNTRIES AND AFGHANISTAN IN TERMS OF ENSURING REGIONAL SECURITY

Saodat Ubaydullaeva

Researcher

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: sadulya75@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Central Asia, region, interdependence, security, foreign policy.

Received: 20.08.22

Accepted: 22.08.22

Published: 24.08.22

Abstract: In the article, the bilateral relations between the Central Asian countries in terms of ensuring security in the region and solving the Afghanistan problem are thoroughly researched. Afghanistan as a key participant in regional complex interdependence is researched as a radical new approach to foreign policy conducted by regional states. The article partially shows the relations of the countries of the region before the "Taliban" movement came to power in Afghanistan, as well as the political approaches of the neighboring countries after August 2021.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ АФГОНИСТОН БИЛАН МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ

Саодат Убайдуллаева

тадқиқотчи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: sadulya75@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Марказий Осиё, минтақа, ўзаро боғлиқлик, хавфсизлик, ташқи сиёсат.

Аннотация: Мақолада Марказий Осиё давлатларининг минтақада хавфсизликни таъминлаш борасида Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича олиб бораётган икки томонлама муносабатлари атрофлича тадқиқ этилган. Мавжуд муаммоларни минтақа давлатлари олиб бораётган ташқи сиёсатнинг тубдан янгича ёндашуви сифатида Афғонистоннинг минтақа комплекс ўзаро боғликлигининг асосий

иштирокчиси сифатида тадқиқ этилган. Мақолада мінтақа давлатларининг Афғонистонда “Талибон” ҳаракатининг ҳокимият тепасига келишидан олдин олиб борган муносабатлари, ҳамда чегарадош мамлакатларнинг 2021 йил августидан кейинги сиёсий ёндашувлари қисман кўрсатиб ўтилган.

ОТНОШЕНИЯ МЕЖДУ СТРАНАМИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И АФГАНИСТАНОМ В ПЛАНЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ РЕГИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Саодат Убайдуллаева

Исследователь

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: sadulya75@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Центральная Азия, регион, взаимозависимость, безопасность, внешняя политика.

Аннотация: В статье подробно исследуются двусторонние отношения между странами Центральной Азии в плане обеспечения безопасности в регионе и решения афганской проблемы. Афганистан как ключевой участник региональной комплексной взаимозависимости исследуется как радикально новый подход к внешней политике, проводимой государствами региона. В статье частично показаны отношения стран региона до прихода к власти в Афганистане движения «Талибан», а также политические подходы соседних стран после августа 2021 года.

КИРИШ

Бугунги кунда Марказий Осиёда таҳдид ва хатарлар сақланиб қолаётгани бевосита Афғонистондаги вазият билан боғлиқ. Бундай шароитда Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон мінтақавий ўзаро боғлиқликнинг таркибий қисми эканлигини инобатга олган ҳолда, умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун у билан ҳамкорлик қилишмоқда.

Хар қандай давлатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти учун мінтақавий ўзаро боғлиқлик зарур[1]. АҚШнинг Россия ва Евроосиё бўйича эксперти, тарихчи ва ёзувчи, Россия ва Евроосиё мавзусига бағишлиланган 20 дан зиёд китоб ва 200 дан ортиқ мақолалар муаллифи Ф. Стэрр ўз интервъисида “Мінтақани таърифлаш учун “собиқ Иттифоқ ҳудуди” тушунчасини кўллаш эскирди, шу боис энди бу тушунчани ишлатмаслик керак. Ана шунда Марказий Осиё мінтақаси янги, янада объектив асосларда, шу жумладан улкан инсон потенциали ва бой табиий ресурсларга эга Афғонистонни қўшган ҳолда шаклланишига ёрдам бўлади”[2], — деб айтади. Италиялик таҳлилчи Ф. Индео ҳам Ф. Стэрни кўллаб-куватлаган ҳолда

Афғонистонга Марказий Осиё минтақасидаги давлат сифатида қарайди. У минтақада транспорт инфратузилмасини Афғонистонни қўшган ҳолда ривожлантириш минтақавий ўзаро боғлиқликни янада кучайтиришга имкон беради деб ҳисоблайди[3].

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев 2021 йил 18 сентябрда “ШХТ—КХШТ” форматида ўтказилган учрашувда сўзлаган нутқида қуидаларни қайд этди: “Афғонистон худуди хавфсизлигимизга таҳдид ва хатарлар манбаи бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу борада сўз юритганда, энг аввало, экстремизмнинг ортиши ва радикал мафкурунинг экспортини, Афғонистон худудидан мамлакатларимизга қарши қўпорувчи ҳаракатлар учун фойдаланишни, жангариларнинг чегараларни бузиб ўтиш хавфини назарда тутяпман. Умумий саъй-ҳаракатлар билан, қатъий чоралар кўрган ҳолда, биргаликда террорчиларни “қайноқ нуқталар”дан Афғонистонга кўчириш каналларини кесиш муҳимдир”[4].

2021 йил август ойидан декабрь ойига қадар Афғонистондан Ўзбекистонга Амударёни кечиб ўтган афғон қочқинларининг сони 150 нафарга яқин бўлган. Шу билан бирга, Ўзбекистон уларни зўрлаб Афғонистонга қайтариб юборишни режалаштирмаётки, чунки қочқинларнинг ўзлари толиблар уларнинг хавфсизлигига кафолат берса, юртларига қайтиб кетишга тайёрдирлар[5].

Экспертлар Афғонистондаги бугунги вазиятдан келиб чиқиб, режалаштирилган йирик лойиҳаларнинг тақдирига шубҳа билан қарашяпти. Улардан айримларининг фикрича, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги минтақавий боғлиқликни мустаҳкамлашга йўналтирилган трансафғон йўлагини ҳозирги шароитда барпо этишнинг иложи йўқ, бу масалани 20–30 йиллардан кейингина кун тартибига қўйса бўлади.

Аммо чет эл ҳарбий кучлари Афғонистонни тарк этиб, ҳокимият тепасига “Толибон”нинг келиши Марказий Осиёда минтақалашувнинг ривожланишига янги туртки бўлиши мумкин. Энди минтақавий масалаларни ҳал қилишда, йирик давлатлардан ташқари, минтақа давлатлари ҳам музокараларни жадаллаштириш, ўзаро ҳамкорлик қилиш, минтақавий лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш орқали асосий роль ўйнайдилар.

Марказий Осиёнинг Афғонистон билан чегарадош мамлакатлари (Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон) “Толибон” ҳаракатига сиёсий таъсир кўрсатишлари мумкин. Амалда минтақадаги барча мамлакатлар аллақачон “Толибон” ҳаракати билан амалий мулоқот олиб боришишмоқда.

Мазкур шароитда Марказий ва Жанубий Осиёда минтақавий алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлиги аён бўлмоқда. Бу йўналишда эса Афғонистон асосий бўғинлардан бири ҳисобланади.

“Марказий ва Жанубий Осиё азалдан ишончли савдо йўллари билан боғланиб, Яқин Шарқ, Европа ва Хитой мамлакатлари учун ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган. Бу ҳақда қадимги юонон тарихчиси Страбон ҳам ўз асарларида Окс дарёси – ҳозирги Амударё бўйлаб “Каспий ва Қора денгиз орқали Европага маҳсулотлар етказилган”ини қайд этган. Эрамиздан аввалги учинчи-иккинчи минг йиллликлардаёқ Ҳайбар ва Болан довонлари орқали ўтган савдо йўллари тармоғи бизларни ўзаро боғлаб турган”[6].

Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари қадимдан ўзаро манфаатли муносабатлар тарихига эга. Минтақалар ўртасида товар айирбошланиб, одамлар кўчиб юришган. Бу ҳолат, ўз навбатида, уларнинг маданий ва диний алоқалари ҳамда сиёсий муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев ташаббуси билан 2021 йил 14–15 июль кунлари Тошкент шаҳрида “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзуида ўтказилган халқаро конференция иккала минтақа ўртасидаги муносабатларни муҳокама қилиш ва янада мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш учун ҳал қилувчи тадбирлардан бири бўлди. Конференция якунлари бир қанча муҳим хуносалар чиқаришимиз учун асос бўлади.

Биринчидан, конференция Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни муҳокама қилиш учун асосий майдон бўлиб хизмат қилди. Иккала минтақа учун таҳдид ва хатарларнинг умумийлиги, бу минтақалар халқларининг муҳит ва географик жиҳатдан яқинлиги комплекс ўзаро боғлиқлик тизимини шакллантиришда яратувчи омил бўлиши мумкин. 2020 йилда Марказий Осиё билан Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги жами товар айланмаси миқдори 4,4 млрд долларни (142,6 млрд долларлик умумий ташқи савдо айланмасининг 3,2 % ини) ташкил этган. Мазкур товар айланмасидаги энг катта улуш Қозоғистон (52,8 %) ва Ўзбекистон (31,2 %) ҳисобига тўғри келади[7]. Савдо ва транспорт Марказий Осиё учун муҳим стратегик аҳамиятга молик, чунки минтақадаги қатор мамлакатлар денгизга чиқиш учун иккита давлат ҳудудидан ўтишга мажбур. Ўзбекистон ҳам транспорт-логистика инфратузилмасининг ривожланишидан ва Евросиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) транспорт йўлакларига қўшилишдан манфаатдордир, чунки бу унинг жаҳон бозори билан алоқалари мустаҳкамланишига шароит яратади[8].

Иккинчидан, Афғонистон омили минтақавий ўзаро боғлиқлик доирасида лойиҳа ва дастурларни муваффақиятли амалга ошириш учун бош омил бўлиб хизмат қилади. Мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлаш иккала минтақа мамлакатлари учун йирик инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш имконини яратадики, пировардида Афғонистон комплекс ўзаро боғлиқлик учун кўприк бўлиб қолади.

Учинчидан, иккала минтақа давлатларининг ўзлари минтақавий ўзаро боғлиқликни шакллантиришдан манфаатдордирлар. Минтақадаги айрим давлатлар ўртасида хавфсизликни таъминлаш борасида ҳали ҳал қилинмаган муаммолар бор, бироқ уларнинг ҳаммаси бу муаммоларнинг, аввало, Афғонистонда хавфсизликни таъминлаш мақсадида, минтақавий ўзаро боғлиқлик доирасида ҳал қилинишидан манфаатдордирлар. Ҳозирги босқичда барча Марказий Осиё давлатлари Афғонистон билан ҳамкорлик қилишмоқда.

Бугун мазкур давлатларнинг барчаси асосий эътиборни Афғонистонда узоқ муддатли барқарорлик ва тинчлик ўрнатилишига қаратишмоқда. Афғонистондаги вазиятнинг тартиба солиниши Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг савдо-иктисодий ва инвестициявий алоқаларини жадаллаштириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги муносабатларини кучайтириш учун кенг имкониятлар яратади[9].

Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан иккала мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олиш ҳамда ҳалқаро хуқуқнинг умумэътироф этган принцип ва қоидаларига асосланган яхши қўшничилик ва дўстона муносабатлар сиёсатини олиб бормоқда. Бу сиёсат Марказий Осиёда мустаҳкам тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган.

Эксперт Р. Бурнашевнинг ёзишича, Ўзбекистон Афғонистонни Жанубий Осиё ва Яқин Шарққа чиқиш имконини берадиган “кўприк” деб ҳисоблайди ва шу боис уни минтақавий жараёнларга жалб этишга ҳаракат қилмоқда [10].

Афғонистоннинг географик жихатдан қулай жойлашуви тарихан ўзбек-афғон муносабатларининг ривожланишида муҳим ўрин тутган. Бу мамлакат кўп асрлар мобайнида Жанубий ва Шарқий Осиёни Европа ва Яқин Шарқ билан боғлаб келган муҳим савдо йўлида жойлашган. Шу тариқа Афғонистон ҳудуди Осиёнинг савдо-иктисодий ва илмий-маданий алоқалари учун чорраҳа вазифасини ўтаган, бу эса маҳаллий ҳалқларнинг иктисодий фаровонлиги ўсишига ёрдам берган.

Мазкур жараёнлар маданият, дин, этник хусусиятлар ва тил нуқтаи назаридан умумий маданий муҳит яратган Марказий Осиё ва Афғонистон ҳалқларининг яқин ҳамкорлиги билан бирга кечган. Буюк ипак йўли туфайли минтақадаги давлатлар ўртасида савдо-иктисодий муносабатлар муттасил ривожланиб, сиёсий-дипломатик алоқалар мустаҳкамланиб борган. Бироқ, Афғонистон сўнгти 40 йил мобайнида дунёning қудратли давлатлари ҳамда минтақадаги кучли давлатлар манфаатлари тўқнашган майдонга айланниб қолди.

Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 13 октябрда ўрнатилган[11]. Ўзбекистоннинг ташқи иктисодий сиёсатида Афғонистонга Марказий Осиё минтақасининг ажralmas қисми деб қаралади. Афғонистон Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиёда минтақани йирик транспорт ва савдо-иктисодий майдонга айлантиришга

йўналтирилган трансмintaқавий ўзаро боғлиқлик тизимини шакллантириш борасидаги ташаббусининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

2017 йилдан буён Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон бўйича маҳсус вакили фаолият юритаётганлиги хамда 2020 йилдан бошлаб Инвестициялар ва ташки савдо вазирлигига ташки иқтисодий савдо ҳамкорлиги бўйича вазир ўринbosари лавозими жорий этилганлиги Афғонистон билан яхши муносабатларни йўлга қўйиш Ўзбекистон учун устувор аҳамиятга эгалигининг яққол ифодасидир[12].

Ўзбекистон томонидан 2002 йилдан буён Афғонистонга ҳар йили тўғридан тўғри тузиладиган шартномаларга асосман электр энергияси етказиб берилмоқда. 2002 йилда бу мамлакатга етказиб берилган электр энергиясининг миқдори жами 62 млн кВт/соатни ташкил этган бўлса, экспорт қилинаётган электр энергиясининг миқдори ҳар йили 200 млн кВт/соатгача қўпайтириларди. 2018 йилда эса тахминан икки млрд кВт/соатгача электр етказиб бериш учун шартнома имзоланди. 2020 йилда Афғонистон Ислом Республикаси ташки ишлар вазири Ханифа Атмарнинг Ўзбекистонга қилган ташрифи доирасида (декабр) имзоланган битимга асосан, Ўзбекистон Афғонистонга 2030 йилга қадар электр энергияси етказиб бериши кўзда тутилган [13].

Шу тариқа Марказий Осиё давлатлари Афғонистон ҳукумати билан фаол ўзаро муносабат олиб боришимоқда. 2019 йилда Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуvida қўшма баёнот қабул қилиниб, унда минтақа мамлакатлари Афғонистон фуқаролари ўртасида зудлик билан тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилиши учун ҳар томонлама қўмаклашишга тайёр эканликларини изхор этишган[14].

Қозоғистон билан Афғонистон ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 12 февралидан ўрнатилган[15]. Қозоғистон Афғонистондаги низоларга барҳам берилиши учун асосий эътиборни инсонпарварлик ва иқтисодий ёрдамни қўпайтиришга, шунингдек қўшма иқтисодий инфратузилмавий лойиҳаларни, таълимни ривожлантириш дастурларини амалга оширишга қаратиш лозим деб ҳисоблади. Қозоғистон ҳар йили инсонпарварлик ёрдами сифатида Афғонистонга буғдой уни, шакар етказиб бермоқда.

Қозоғистон Афғонистон муаммолини ҳал қилишга бағишлиланган барча минтақавий форматдаги анжуманлар (Тошкент конференцияси, Истанбул жараёни, Москва формати, Лондон конференцияси, Бонн конференцияси)нинг қарорларини қўллаб-қувватламоқда.

2018 йил 19 январда БМТ Хавфсизлик Кенгашида Қозоғистон раислигига биринчи марта вазирлар даражасида “Афғонистон ва Марказий Осиёдаги минтақавий шерикликни хавфсизлик ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги модели сифатида ташкил этиш” мавзуида музокаралар бўлиб ўтди[16]. Яна шу ойнинг ўзида Қозоғистон раислиги доирасида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг “Афғонистон ва Марказий Осиёда минтақавий шерикликни

хавфсизлик ва ривожланиш масалаларини бирлаштирган йўналиш бўйича ишлар модели сифатида ташкил этиш” масаласига бағишиланган бошқа бир йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда қабул қилинган баёнотда афғон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслиги таъкидланди. Йиғилиш катнашчилари Афғонистонда барқарорлик ўрнатиш чораларини Марказий Осиё давлатлари иштирокида амалга ошириш ҳақидаги таклифни рад этишди[17].

Афғонистонда ҳокимият тепасига “Толибон” ҳаракати келганидан сўнг Қозоғистон мамлакатнинг янги ҳукумати билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича ёндашувини аниқлаштиришга киришди. ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2021 йил сентябрдаги йиғилишида Қозоғистон Президенти Қ. Тўқаев Олмаота шахрида Афғонистонга мўлжалланган ёрдам юкларини етказиб бериш учун омбор (хаб) ташкил қилишни таклиф этди[18]. Бундай фаоллашув Қозоғистон учун афғон масаласи бўйича муносабатларини такомиллаштириш учун зарур, чунки унинг ёндашувлари Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнига нисбатан унчалик фаол бўлмаган.

Қозоғистонлик эксперт Д. Сатпаевнинг таъкидлашича, Ўзбекистондан фарқли ўлароқ, Қозоғистон ташки сиёсати учун Афғонистон омили узоқ вақт муҳим бўлмаган, бунга нафақат Қозоғистоннинг ушбу давлат билан чегарадош эмаслиги, балки Афғонистон бўйича кучли мутахассислар йўқлиги ҳам сабаб бўлган. Шунингдек, Қозоғистонда бу мамлакатдаги вазиятга таъсир этиш учун хеч қандай восита бўлмаган. Бунинг устига, Афғонистонда яшайдиган қозоклар ўзбеклар, тожиклар ёки туркманларга қараганда анча кам[19].

Тожикистон билан Афғонистон ўртасидаги муносабатлар ҳам икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган 1992 йил 15 июлидан буён ривожланиб бормоқда[20]. Ҳозирги пайтда ушбу мамлакатлар чегараси бўйлаб еттига кўприк ишлаб турибди, саккизинчиси эса 2019 йил апрель ойида Тожикистон ҳукумати томонидан маъқулланган тегишли битимга биноан Панж дарёси устида қурилмоқда. Бу кўприк Тожикистон Республикасининг Хатлон вилоятини Афғонистоннинг Тоҳар вилояти билан боғлайди.

Тожикистон ҳам минтақа давлатларининг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда. Душанбе Афғонистон Марказий Осиёдаги минтақавий жараёнларга қўшилиши ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиши тарафдоридир.

2021 йил март ойида Тожикистонда “Осиё юраги — Истанбул жараёни” конференциясининг “Тинчлик ва тараққиёт битимининг мустаҳкамланиши” номли навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилди. Йиғилиш якунида Душанбе декларацияси қабул қилиниб, унда иштирокчилар Марказий Осиёнинг долзарб муаммоларини, шу жумладан ҳалқаро

терроризмга, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш, қочқинлар ва репатриация қилингандар муаммоси кабиларни ҳам кўрсатиб ўтишди[21].

Истанбул жараёни Афғонистонда иқтисодий ривожланиш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чикиш мақсадида 2011 йилда Туркия билан Афғонистоннинг баҳамжихат саъй-ҳаракатлари туфайли иш бошлаган. Бугунга қадар “Осиё юраги — Истанбул жараёни” бўйича вазирлар конференциялари Истанбул (2011 й.), Кобул (2012 й.), Олмаота (2013 й.), Пекин (2014 й.), Исломобод (2015 й.), Амритсар (2016 й.), Боку (2017 й.) шаҳарларида ўтказилган. 2019 йил 9 декабрда Стамбулда “Осиё юраги — Истанбул жараёни”нинг “Тинчлик, шериклик, юксалиш” мавзуига бағишиланган вазирлар конференцияси бўлиб ўтди[22].

Тожикистон Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадига йўналтирилган барча ҳалқаро саъй-ҳаракатларнинг изчил тарафдори бўлиб келмоқда. Бироқ ҳокимият тепасига “Толибон” келганидан сўнг Тожикистон ушбу масалада Марказий Осиёдаги бу икки мамлакатни ўзаро яқинлаштириш йўлини тутмади. Масалан, Тожикистон Президенти Э. Раҳмон БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясида шундай деди: “Афғонистонда вужудга келган танглик Тожикистоннинг миллий хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солади, чунки бу мамлакат билан умумий чегарамиз 1400 километрни ташкил қиласи. БМТ Хавфсизлик кенгашининг террорчи гурухлар рўйхатига киритилган “Толибон” ҳаракатининг ҳокимият тепасига келиши минтақадаги геосиёсий жараённи янада мураккаблаштириб юборди”. Э. Раҳмоннинг фикрига кўра, афғон жамоасининг барча қатламлари, шу жумладан, Афғонистон тожикларининг ҳам иштирокида ўтказиладиган музокараларгина бу мамлакатда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик қарор топишини таъминлаши мумкин[23].

Туркманистон ҳам Афғонистон билан ўзаро муносабатларни жадал ривожлантириб бормоқда. Туркманистон инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, миллий кадрларни тайёрлаш, чегараолди ҳудудларидаги аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш орқали Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Иккала мамлакат ўртасида хавфсизлик масалалари Хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик бўйича Туркманистон—Афғонистон комиссияси доирасида амалга оширилмоқда. Бу комиссиянинг йиғилишлари Афғонистонда ҳокимият тепасига “Толибон” келганидан кейин ҳам давом эттирилмоқда. Туркманистон ҳам, Ўзбекистон ва Қозоғистон каби, Марказий Осиёда ҳамкорликни давом эттириш ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида “Толибон” билан мулоқотни йўлга қўйди.

Қирғизистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни бўйича ёндашуви жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистон Ислом Республикаси ва унинг атрофидаги ҳудудда тинчлик ва

барқарорлик ўрнатиш ҳамда CASA–1000 каби минтақавий лойиҳаларни давом эттиришга тайёрлик бўйича интилишларини қўллаб-куватлашдан иборат. Мамлакат оммавий ахборот воситаларининг маълумотига кўра, Қирғизистон хукуматининг вакиллари “Толибон” Афғонистонда ўз ҳокимиятини ўрнатганидан кейин Марказий Осиё давлатларидан биринчи бўлиб янги хукумат вакиллари билан учрашган[24]. БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясида Қирғизистон Республикаси Президенти С. Жапаров, Афғонистонда юзага келган вазият оқибатида Марказий Осиё хавфсизлиги биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб қолишини қайд этиб, шу муносабат билан 2022 йилда “Марказий Осиё — БМТ” саммитини ўтказиб, Бишкек шаҳрида БМТ доирасида Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро марказ ташкил этишни таклиф қилди[25].

Шу билан бирга, Диний ишлар бўйича давлат комиссиясининг маълумотига кўра, “Толибон” ҳаракати Қирғизистонда тақиқланиб, террорчи ташкилот деб тан олинган ҳамда у бошқа террорчи гуруҳлар, шу жумладан Қирғизистонда тақиқланган “Ал-Қоида” гуруҳи билан ҳам ҳамкорлик қиласди[26].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг ташаббуси билан, 2018 йил 27–28 март кунлари Тошкент шаҳрида “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий алоқалар” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди[27]. Иштирокчилар конференция якуни бўйича қабул қилган Тошкент декларацияси Афғонистондаги тинчлик жараёни учун мустаҳкам асос бўлиб қолди. Бунинг қуйидаги жиҳатлари бор: **биринчидан**, Афғонистондаги тинчлик ва хавфсизлик Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш учун катта аҳамиятга эга; **иккинчидан**, минтақа давлатларининг қўмагида афғонистонликларнинг ўз саъй-ҳаракатлари билан топиладиган сиёсий ечим, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ва муносабатлар Афғонистон ва бутун минтақадаги тинчлик ва фаровонлик учун асос бўлиб хизмат қиласди[28].

ХУЛОСА

Шундай қилиб, “Марказий Осиё + Афғонистон” формати минтақавий хавфсизлик бўйича комплекс боғлиқликнинг зарурий қисми бўлиб, унда Афғонистон Марказий Осиёнинг ажralmas қисми деб ҳисобланиши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, Афғонистондаги хавфсизлик трасминтақавий лойиҳаларни бошлиш, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш имконини берадики, бу ҳол иккала минтақа давлатларининг барқарор ривожланиши учун қудратли драйвер вазифасини бажаради ҳамда иқтисодий ривожланиш бўйича қўшма дастурлар манфаатдор томонлар ўртасида Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик зарурлиги ҳақида бир битимга эришиш учун шароит яратади.

Марказий Осиёда юзага келган сиёсий вазият, глобаллашув жараёнлари ўзаро муносабатларни кенгайтиришни ва ҳали ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланишини талаб қиласи, чунки бу ҳол ҳозирги хавф-хатарларга баҳамжиҳат қарши қурашиш имконини беради.

Шу билан бирга, комплекс ўзаро боғлиқлик тизимида Афғонистон мухим ўрин тутади. Бугун афғонистонликлар учун ҳам, минтақа давлатлари ва халқаро ҳамжамият учун ҳам мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни тиклаш устувор вазифадир. Зоро, бусиз тараққий этиб ҳам, минтақавий хавфсизликни таъминлаб ҳам бўлмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Акрам Х.Т. Региональная взаимосвязанность Центральной и Южной Азии: Отличная инициатива Президента Шавката Мирзиёева / Пер. статьи из англоязычной газеты «National Herald Tribune». 01.05.2021. — URL: <https://isrs.uz/ru/ozbekiston-va-mo-oav-nigohida/regionalnaa-vzaimosvazannost-centralnoj-i-uznoj-azii-otlicnaa-iniciativa-prezidenta-savkata-mirzieeva>
2. «Пришло время смотреть на Афганистан как часть Центральной Азии» — Фредерик Стар // Газета.uz. 21.11.2017. — URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2017/11/21/frederick-starr>
3. Fabio Indeo. New Trends in Central Asian Connectivity. — URL: <https://edizonicafoscari.unive.it/media/pdf/books/978-88-6969-377-9/978-88-6969-377-9-ch-05.pdf> 12.02.2020 (Eurasistica 13 Monitoring Central Asia and the Caspian Area, 65–80)
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «ШХТ — КХШТ» форматидаги учрашувдаги нутқи. 18.09.2021. — URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4623>
5. Власти впервые назвали количество беженцев из Афганистана, находящихся в Узбекистане. 18.12.2021. — URL: <https://uznews.uz/ru/article/36826/>
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. 16.07.2021. — URL: <https://strategy.uz/index.php?news=1341>
7. Куклусова А. Азиатские сети // Эксперт // 26.07.2021. <https://expert.ru/expert/2021/31/aziatskiye-seti/>
8. Зиядуллаев Н.С. Центральная и Южная Азия: внешнеторговые и транспортно-транзитные инициативы // Российский внешнеэкономический вестник. — 2021. — № 8. — С. 33–46. (-C.39)
9. Кутбиддинов Ю. Восстановление связей с Афганистаном. Уроки трансграничного взаимодействия / Ю. Кутбиддинов, У. Сайдиев, Н. Курбанбаева; Центр экономических исследований и реформ. Июль 2019 г. — URL: <https://topjournals.uz/index.php/jsru>

<https://www.chathamhouse.org/sites/default/files/publications/research/2019-07-24-Reconnecting-Afghanistan-Russian-Version.pdf>

10. Бурнашев Р. Центральная Азия рассматривается Узбекистаном как регион возможностей. 16.07.2021. — URL: <https://yuz.uz/ru/news/tsentralnaya-aziya-rassmatrivaetsya-uzbekistanom-kak-region-vozmojnostey>

11. Новая страница в отношениях Узбекистана и Афганистана. 05.12.2017 г. — URL: <https://uza.uz/ru/posts/novaya-stranitsa-v-otnosheniyakh-uzbekistana-i-afganistana-05-12-2017>

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Афғонистон Ислом Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари түғрисида. ПҚ - 4892 - сон. 12.11.2020. — URL: <https://lex.uz/ru/docs/5100022>.

13. Ўзбекистон ва Афғонистон электр энергияси етказиб бериш түғрисида 10 йиллик битимни имзолашди. 29.08.2020 й. — URL: <https://podrobno.uz/cat/economic/uzbekistan-i-afghanistan-podpisali-soglashenie-o-postavkakh-elektroenergii-na-10-let/>

14. Совместное заявление Консультативной встречи глав государств Центральной Азии. 30.11.2019 г. — URL: <https://www.un.int/uzbekistan/news/>

15. Сотрудничество Республики Казахстан с Исламской Республикой Афганистан / Министерство иностранных дел Республики Казахстан. — URL: <https://www.gov.kz/memlekет/entities/mfa/press/article/details/458?lang=ru>

16. Обнародованы итоги председательства Казахстана в Совете Безопасности ООН. <https://kursiv.kz/news/politika/2018-02/obnarodovany-itogi-predsedatelstva-kazakhstana-v-sovete-bezopasnosti-oon>

17. Антониу Гуттерриш: страны Центральной Азии вносят важный вклад в укрепление мира в Афганистане. 19.01.2018. — URL: <https://news.un.org/ru/story/2018/01/1321881>

18. Елюбаева А. Глава РК: Мы не должны оставлять Афганистан наедине с трудностями. 15.10.2021. — URL: <https://kapital.kz/economic/99522/glava-rk-my-ne-dolzhny-ostavlyat-afghanistan-nayedine-s-trudnostyami.html>

19. Сатпаев Д. о «Талибане», Центральной Азии и афганских беженцах в Казахстане. 07.07.2021. — URL: https://forbes.kz/process/expertise/taliban_i_tsentralnaya_aziya_partnerstvo ili_konfrontatsiya/?

20. Отношения Таджикистана с Афганистаном. 23.12.2020. — URL:

21. <https://www.mfa.tj/ru/main/view/17/otnosheniya-tadzhikistana-s-afghanistanom>

22. Сердце Азии — Стамбульский процесс. — URL: <https://www.eurasian-research.org/publication/heart-of-asia-istanbul-process/?lang=ru>.

23. Юсупов А. В Душанбе пройдет конференция “Сердце Азии — Стамбульский процесс” 28.03.2021. — URL: <https://www.aa.com.tr/ru/мир/в-душанбе-пройдет-конференция-сердце-азии-стамбульский-процесс-/2190849>
24. Рахмон Э.: Афганистан превратился в площадку для геополитических игр. 24.09.2021 г. — URL: <https://www.aa.com.tr/ru/>
25. Кыргызстан первым в Центральной Азии отправил официальную делегацию к талибам. 24.09.2021 й. — URL: <https://mediazona.ca/news/2021/09/24/kr-af>
26. Президент Кыргызстана предложил провести саммит Центральная Азия - ООН. 21.09.2021йг. — URL: <https://news.un.org/ru/story/2021/09/1410302>
27. Karimov, N. (2022). THE CENTRAL ASIAN RENAISSANCE OF THE IX-XII CENTURIES IN THE EYES OF FOREIGN RESEARCHERS. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(03), 28-45.
28. Список организаций деятельность которых запрещена на территории КР. http://religion.gov.kg/ru/religion_organization/blocked ([Список 20 экстремистских организаций, деятельность которых запрещена на территории Кыргызстана.](https://ombudsman.kg/index.php?option=com_content&view=article&id=294:...) — URL: [https://ombudsman.kg/index.php?option=com_content&view=article&id=294:...\)](https://ombudsman.kg/index.php?option=com_content&view=article&id=294:...))
29. Принята Ташкентская декларация по Афганистану. 12.06.2022. — URL: <https://uza.uz/ru/posts/prinyata-tashkentskaya-deklaratsiya-po-afganistangu-27-03-2018>
30. Karimov, N. (2022). IMPORTANCE OF STUDYING AND PROMOTING ORIENTAL CULTURE AND HERITAGE. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 2(03), 28-33.
31. Нескар О. Афганский мирный процесс: предварительные результаты и оценки // Международная жизнь. Проблемы внешней политики, дипломатии, национальной безопасности. — 2019. — Май. — С. 74–87. — URL: <https://uza.uz/ru/posts/deklaratsiya-tashkentskoy-konferentsii-po-afganistangu-mirnyy-28-03-2018>